Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкаси ва миллий валюта курси ўзгаришлари бўйича

**Онлайн брифинг**

2020 йил 15 апрель



Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил
14 апрелдаги навбатдан ташқари йиғилиши
қарорига мувофиқ, асосий ставка
**1 фоиз бандга** пасайтирилиб,
йиллик **15 фоиз** даражасида белгиланди.

Ташқи ва ички талабнинг қисқариши шароитида иқтисодий фаолликнинг секинлашуви ҳисобига инфляция прогнози қайта кўриб чиқилди.

2020 йил охирига инфляция прогнози



# Инфляция прогнози



# Инфляция прогнози пасайишининг асосий омиллари

**1. Пандемия таъсирида шаклланган ташқи ва ички ҳолат натижасида мамлакатда иқтисодий фаоллик пасаяди. Натижада нарх-навога талаб томонидан босим камаяди.**

- - банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони сезиларли пасаймоқда;
- - товар хомашё биржасида амалга оширилган битимлар суммаси камаймоқда;
- - тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи ўсиши секинлашмоқда.

# Инфляция прогнози пасайишининг асосий омиллари

## 2. Аҳоли даромадларининг пасаяётганлиги.

-
- Охирги 2 йилда аҳоли даромадлари ўртача йилига 25 фоиздан ўсиб келган ва ички нархларга талаб томондан босим яратган.

-
- Пандемия таъсирида шаклланган жорий иқтисодий ҳолат аҳоли даромадларининг юқори даражада ошмаслигини кўрсатмоқда.

-
- Давлат бюджети харажатлари таркибини қайта кўриб чиқиш ва қўшимча харажатларни қисқартириш эвазига аҳолининг муҳтож қатламлари моддий қўллаб-қувватланади.

# Инфляция прогнози пасайишининг асосий омиллари

**3.Тартибга солинадиган нархларнинг кутилаётган эркинлаштирилиши.**

-

- Бугунги кунда жаҳон бозорларида шаклланган энергия ресурслари нархлари уларнинг ички нархларини кескин оширмасдан туриб ҳам бозор шароитларига мослаштириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

-

- Энергия ресурслари нархлари оширилиши навбатдаги босқичининг кечиктирилиши ёки ички нархларни оширмаган ҳолда эркинлаштирилиши натижасида ушбу омиллар 2020 йилда инфляция учун оширувчи хусусият касб этмайди.

# 2020 йилнинг январь-март инфляция ва унинг асосий компонентлари кўрсаткичлари

*а) фоизда*




*б) компонентлари нархлари индекси ўзгариши фоизда*



## Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланадиган айрим товарлар:

- Уй паррандаси гўшти;
- Балиқ;
- Қуюлтирилган сут ва қаймоқ;
- Сариёғ ва сутдан тайёрланган бошқа мойлар ва ёғлар;
- Пиёз, саримсоқ пиёз ва бошқа пиёзбошли сабзавотлар;
- Сабзи, шолғом, ширин лавлаги, редиска ва бошқа илдизмевалар;
- Бодринглар ва сапча бодринглар;
- Дуккакли сабзавотлар;
- Буғдой уни ёки буғдой-жавдар уни;
- Бошоқли донлар;
- Кунгабоқар, махсар ёки пахта мойи ва уларнинг фракциялари;
- Шакар;
- Макарон маҳсулотлари;
- Тиббиёт учун мўлжалланган пахта, дока, бинт ва шунга ўхшаш буюмлар;
- Оғиз бўшлиғи ёки тиш гигиенаси воситалари;
- Совун, ювиш воситалари ва тозалаш воситалари.

# Ички валюта бозори ҳолати

## Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан биржа курси




Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси ой бошига нисбатан **5,5 фоизга** ошиб, **10 121 сўмни** ташкил этди *(йил бошига нисбатан* ***6,5 фоизга****).*

# Миллий валюта алмашув курсига таъсир кўрсатган омиллар:

- **Экспорт тушумлари** ҳажмининг камайиши (март ойида февралга нисбатан **10 фоизга**);
- **Трансчегаравий пул ўтказмаларида** ҳам пасайиш тенденциясининг кузатилиши;
- Асосий савдо ҳамкорлар миллий валюта курсларининг сезиларли даражада **қадрсизланиши.**

# ХВЖ жорий инқирозни “Буюк ёпилиш” деб номлади




** ХВЖнинг 2020 йил апрелдаги прогнозларига асосан*

# Асосий савдо-ҳамкор давлатлар миллий валюталарининг қадрсизланиши

*(2020 йил 1 мартга нисбатан фоизда)*



# Пул ўтказмалари ва аҳоли билан хорижий валютадаги операциялар динамикаси



# Валюта операциялари бўйича сўнгги кунлар динамикаси



# Ички валюта бозорида талаб ва таклифнинг сўнгги кунлар динамикаси



## Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари *(млн. долл.)*



# Сўмнинг реал самарали алмашув курси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

*Эътиборингиз учун раҳмат!*